

---

## ФУРҚАТ ТУМАНИДА “ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ФОРУМИ-2021” ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ

Юксак билимли, интеллектуал салоҳиятли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бугунги кунда ушбу йўналишда аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил давомида эришилган натижалар сарҳисоби ва истиқболдаги режаларини белгилашга бағишланган «Ўзбекистан ёшлар форуми-2021» ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан 2021 йил 24 ноябрь кунги 01-14/1-1448-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда турли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугун, Фурқат туманида ҳам **Ўзбекистон ёшлар форуми-2021** ҳафталиги ўтказилди. Форум доирасидаги тадбирлар эрта тонгдан страт олди. Фурқат тумани хокимлиги, туман ИИБ, туман ХТБ, туман Маданият бўлими, туман Ёшлар ишлари агентлиги, Маънавият ва маърифат туман бўлими, тумандаги фаол, ташаббускор ва шижоатли ёшлар “Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам” лойиҳаси асосида Навбаҳор шаҳарчасидан то Қўқонбой МФЙгача бўлган масофани пиёда босиб ўтишди.

Шундан сўнг, тумандани 12-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби олд майдонида “Ёшлар форуми” ўтказилди. Форум доирасида турли хил кўرғазмалар ва китоблар акцияси ташкил этилди.

Байрамда иштирок этган аҳоли ва ёшларга намунали маданий хизмат кўрсатиш учун тайёрланган махсус саҳнада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулхай Каримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўлқинжон Хайдаров, эстрада хонандалари Хумора Шайдо, Рахимова Феруза, Файзулло Зоиров, “Зиё” эстрада гуруҳи ҳамда туман Маданият маркази қошидаги “Қувонч” ашула ва рақс халқ ансамбли хонандалари иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.

Тадбир давомида Футбол бўйича туман ҳокими кубоги ташкилланди. Энг юқори натижаларни қўлга киритган 1-, 2-, 3- ўрин жамоаларига туман ҳокими кубоги, пул мукофотлари ва эсдалик совғалари тантанали топширилди.

Ёшлар ўртасида миллий халқ ўйинларидан ” арқон тортиш, ланка, қувлашмачоқ, тош кўтариш, кўз боғлар, “оқ теракми-кўк терак”, кураш, “Ким олади-ё шугинани-ё”, “Эшак минди”, “Улоқ” “Ёнғоқ уруш”, “Хаккалакам” ва бошқалар халқ ўйинлари асосида қувноқ мусобақалар ташкилланди. “Миллий халқ ўйинлари” фестивали ғолибларига туман ҳокими томонидан эсдалик совғалари топширилди.

---

**Форум давомида 2500 дан зиёд аҳоли ва ёшлар иштирок этди.**

**Форум доирасида юзлаб ёш иқтидор эгаларининг ўз истедодларини намоён этишлари учун шарт-шароит яратилди. Шу билан бирга эртамиз эгаларининг миллий халқ ўйинлари асосида анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш имконияти яратилди.**

**- Азиз ёшлар, бугунги кунингизни мазмунли ва унутилмас таассуротларга бой ўтиши учун барча имкониятларни ишга солдик, сизлар билан ўтган бугунги куним чиндан ҳам унутилмас ўтди, фурқатлик ёшларнинг шижоати, ғайратини кўриб, тўғриси, жуда қувондим. Сизлардан умидимиз катта, ишонамизки, туманимиз, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган, билимли, кучли ва ватанпарвар инсонлар бўлиб вояга етасиз, - дейди ёшлар форумида сўз олган туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов.**

**Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

2021-12-16 22:45:42